

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 6 (1332), 2025 йил 10 январь, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Инсон қадри учун

Юртимиздаги ҳар бир ислохот негизда, энг аввало, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, фаровонлигини ошириш, даромадли қилишдек эзгу мақсад турибди. Давлатимиз раҳбарининг “Ҳар қандай ислохот қуруқ рақамларда эмас, балки, энг аввало, аҳолининг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони ва рўзғорида ўз аксини топиши зарур”, деган сўзларининг амалдаги рўёби бугун ҳаётда ҳам ижобатини топмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиши шахару қишлоқларимизнинг обод қиёфасида, бозорларимизнинг тўкилишида, халқимизнинг кундалик ҳаётида намоён бўлмоқда.




Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” да амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Давлат дастури лойиҳасида 5 та устувор йўналиш бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда. Лойиҳада атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт масалаларида асосий эътибор қаратилиши баробарида ижтимоий-иқтисодий, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишларида жорий йилга мўлжалланган кенг қўламли ислохотлар қўзда тутилган. Ушбу ҳужжатлар лойиҳаси турли меҳнат жамоалари, кенг жамоатчилик орасида ҳозирда қизгин муҳокама қилинмоқда. Жумладан, юрtdошларимиз ушбу дастурий ҳужжат мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўз муносабатлари, таклиф ва тавсияларини билдирмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.



Давоми 3-бетда

Давоми 2-бетда

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ: ИСЛОХОТЛАР РАҚАМЛАРДА ЭМАС, ОДАМЛАР ТУРМУШИДА АКС ЭТМОҚДА



Жиззах кўчаларини кезиб, кейинги йилларда қад кўтарган замонавий ва кўркам кўп қаватли уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари, боғлару хиёбонлар, йўللарга сиғмаётган автомобиллар, ҳаммаша одамлар билан гавжум бозорлар, тамадди-хоналари тўйхоналарни кўриб ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Охириги икки-уч йилда Жиззах шаҳри йўлларида тир-бандлик юзага келмоқда. Бу мақтандиган ҳолат ҳам эмас. Одамнинг қимматли вақти зое кетади, асаби таранг бўлади. Аммо бу ҳам тараққиётнинг, аҳоли фаровонлигининг бир белгиси. Яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, ушбу автомобилларнинг кўпи Жиззахда ишлаб чиқарилган.

Давоми 3-бетда

Янгича ёндашувлар

ТАБИАТ БИЛАН МУРОСА

Бунинг учун фан-техниканинг сўнгги йutuқларини қўллаш зарур

Тарих давомида инсоният яшаш ва ҳаётини яхшилаш учун курашиб келган. Бу кураш унинг, асосан, хўжалик юртишидан иборат бўлган. Бу жараёнда одамзод табиатдан фойдаланиб, унга катта таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқаришнинг бениҳоя юксалиши туфайли жамиятнинг илмий-техник ва экологик ривожланишида зиддиятлар пайдо бўлди. Бир томондан фан-техникани юксалтирса, иккинчи томондан атроф-муҳитни ифлослантириб, экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Баъзи мутахассислар муаммоларни бартараф қилиш учун Ер юзиде аҳоли кўпайишини тўхтатиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмаслик, атроф-муҳит муҳофазасига кўпроқ маблағ йўналтириш сингари ғояларни илгари сурди. Аммо бу ғоялар бугун — тараққиётни тўхтатиб бўлмайдиган даврда ҳақиқатга тўғри келмайди.

Аҳоли сони ўсишини сунъий тўхтатиш ўрнига кам чиқиндили жорий қилиш, саноат хомашёси ва чиқиндиларини тўлиқ зарарсизлантириш, транспорт ташлама газини парчалаш ва камайитириш, экологик тоза энергия ресурсларидан фойдаланиш, умуман, буткул экотехнологияга ўтиш энг мақбул ечим экани кундан кунга ойдинлашмоқда.

Саноатнинг ривожланиши корхоналардан атмосферага кўтарилаётган чиқинди газ, оқо-ва сув, қатлам суви, ҳавога тарқалаётган механик аралашмалар, водород сульфиди, мер-

каптанлар таркибидаги олтингурут моддаси, автотранспортлардан чиқаётган тутун газини жамият ва табиатнинг таркибий қисмларига таъсирни ошириб юборди. Атмосфера ифлосланиши натижасида йирик шаҳарлар микроклимида яққол ўзгариш сезилди. Бу ҳудудларда ҳаводаги аэрозол кўёш нурунинг кўп қисмини ютиб олиб, ерга кам ўтказди. Ифлослантирувчи моддалар концентрацияси ошиши туфайли бундай жойларда булутли ва туманли кунлар кўпайиб, кўёшли, очик кунлар камайиб борди.

Давоми 6-бетда

КўНҒИРОТ — БЕЙНЕУ ЙўЛИ 1 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИНИНГ ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА



Тараққиёт одимлари

САЙЁҲЛИК РИВОЖИ БЎЙИЧА ЭНГ ФАОЛ МАМЛАКАТ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИСҚА МУДДАТДА БУ МАҚОМГА ҚАНДАЙ ЭРИШДИ?



Сайёҳлик жакон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Боиси, бу соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда муҳим ўрин тутаяди. У орқали топишган даромаднинг 30 фоизи одамларга иш ҳақи сифатида берилади. Холбуки, саноат ва бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Демак, туризмни ривожлантириш иқтисодий барқарорлик ва фаровонликка хизмат қилиди.

Ўзбекистон бой маданий ва тарихий мероси, меҳмондўст халқи ҳамда гўзал табиати билан сайёҳлик соҳасида катта имкониятга эга. Мамлакатимизда 8000 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг бири қисми ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Термиз шаҳарлари жаҳонга машҳурлиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда юртимизда бу борадаги имкониятдан унумли фойдаланишга эътибор кучайди. Хусусан, Ўзбекистонда сайёҳлик саноати ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ри-

вожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этилди. Миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш учун шароит яратилди, виза режими либераллаштирилди, қулай сайёҳлик муҳити шакллантирилди. Ушбу ҳужжатлар орқали юртимиз ҳар бири ҳудудининг сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда.

Давоми 5-бетда

14
январь —
ВАТАН
ҳимоячилари куни



6



Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Бошланиши 1-бетда

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Фан, таълим,
маданият, спорт ва ёшлар
масалалари қўмитаси раиси

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.



Ушбу мақсадларга эришиш нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳалари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Туризм соҳасида эса экологик барқарорлиқни таъминлаш ва “яшил туризм”ни ривожлантириш орқали мамлакатнинг туристик жозибадорлигини оширади.

Иқтисодиётни декарбонизация қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар мамлакатнинг барқарор ривожланиш стратегиясига мос келади. Бу, айниқса, Париж битими доирасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳимдир. Киото протоколи ва Париж битими доирасидаги мажбуриятлар асосида иқлим ўзгаришига мослашув чоралари ва иссиқхона газларини қисқартиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодиётнинг экологик самарадорлигини юксалтиради.

Кўёш ва шомол энергияси станциялари қурилиши, кичик гидроэлектростанциялар ривожланиши ҳамда “яшил тариф”ларни жорий этиш энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни экологик талабларга мувофиқ қондиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, инсонлар саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини тарғиб қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш давлатнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Чунки инсоннинг экологик турмуш тарзига амал қилиши табиатга салбий таъсирини камайтирса, экологик хавфсизликни таъминлаш орқали эса тиббий хизматларга сарфланадиган харажатларни тежаш мумкин. Бу орқали аҳолининг ҳаёт сифати яхшиланади. Умуман олганда, саломатлик ва экологик хавфсизлик фақатгина шахсий манфаат эмас, балки жамиятнинг умумий барқарорлиги ва келажаги учун асосий омиллардир. Улар давлат ва жамиятнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида муҳим ўрин тутаяди.

Давлат дастури билан белгилаб олинган вазифаларнинг амалий ижроси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш орқали табиий ресурсларни самарали бошқариш ва келажак авлод учун уларни сақлаб қолтиш имконини беради. Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини юмшатишга қаратилган лойиҳалар табиат муҳофазасига хизмат қилади.

Шунингдек, “яшил технологиялар”ни жорий қилиш барқарор ривожланишни таъминлайди ва қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш ҳажмини ошириш орқали иқтисодиётнинг табиатга зарар келтирмай ривожланишига эришилади. “Яшил” иқтисодиётни жорий қилиш янги саноатлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириб, янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Энг муҳими, белгилаб олинган мақсадлар ва устувор вазифалар ҳудудлардаги “яшил ривожланиш” дастурлари маҳаллий даражада иш ўринлари яратиш, инфратузилмани яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшади.

Жараёнда жамоатчилик орасида экологик маданиятни тарғиб қилиш ва экологик масъулиятни ошириш гоёат муҳим. Шу боис, экофаоллар ва жамоат ташкилотларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш “яшил” иқтисодиёт гоёсини оммалаштиришда катта аҳамиятга эгаллиги ҳисобга олиниб, давлат дастурида аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили учун ишлаб чиқилган дастур мамлакатимизда экологик ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда янги босқични бошлаб беради. Ушбу ҳужжат нафақат табиатни муҳофаза қилиш, балки иқтисодий юксалиш, ижтимоий адолат ва саломатликни яхшилаш орқали мамлакатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Унинг самарали амалга оширилиши эса Ўзбекистоннинг минтақадаги “яшил” иқтисодиёт ва экологик ривожланишининг намунасига айлантиради.

“ЯШИЛ ТАДБИРКОР”

ПЛАТФОРМАСИ ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ИМКОНияТЛАР БЕРАДИ

Дилмурод ОРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Дастур лойиҳаси Жаҳон банкининг умумэтироф этилган — маҳалаларнинг экологик қиёфаси ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш, ресурсларни тежаш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, иқтисодиётни декарбонизация қилиш каби тавсиялари асосида тизимлаштирилди.

Лойиҳанинг биргина атроф-муҳитни асраш йўналишида қўллаб-масалалар қатори “Яшил тадбиркор” платформасини ишга тушириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шу ўринда “Яшил тадбиркор” платформаси нима ва у тадбиркорларга қандай имкониятлар беради, деган савол туғилиши мумкин.

У тадбиркорлик субъектларини “яшил тадбиркор” сифатида эътироф этишни назарда тутувчи платформа бўлиб, лойиҳада “яшил тадбиркор” мақомини олиш талаблари ва бунинг натижасида унга нисбатан қўллаб-қувватлов чоралари акс этмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари эса қуйидаги йўналишларда белгиланган кўрсаткичларни бажарган тақдирда мазкур мақомга эга бўлиши назарда тутилмоқда:



Кўёш ва шомол энергияси станциялари қурилиши, кичик гидроэлектростанциялар ривожланиши ҳамда “яшил тариф”ларни жорий этиш энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни экологик талабларга мувофиқ қондиришга хизмат қилади.

Лойиҳа муҳокамаси шу йил 22 январга қадар давом этиши кўзда тутилган. Ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши эса халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлашга хизмат қилади.

Шу боис, барча юртдошларимизни муҳокамалар жараёнида фаол иштирок этишга чорлаймиз. Зеро, бу жараёндаги иштирокингиз, ҳар бир тақдир ва тавсиянгиз халқимиз орзу қилган эркин, фаровон ва очик жамият, юксак тараққий этган қудратли давлат барпо этиш йўлида муҳим қадм бўлади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.



Камбағалликдан фаровонлик сари!

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛДИК

Илҳомжон РАҲМАТОВ,
Наманган вилояти ҳокими матбуот котиби — ахборот сиёсати
масалалари бўйича маслаҳатчиси

Маҳалланинг ўсиш нуқтаси тўғри танланса ва қўллаб-қувватланса, натижа қўтилганидек бўлади. Бунга Наманган вилоятида 2024 йилда эришилган ютуқлар яққол мисол. Келинг, мавзуну узоқдан бошламай, аниқ рақамларга эътибор қаратсак.



Мирзақулов. — Ёшлигимдан қўй боқушга қизиққанам учун оила қургач, буни тирикчилик манбаига айналтирдим. Ҳовлимдаги 3 сотих майдонда қўйхона қурдим. Уртача 100 бош қўй сақлайман. Шунинг ортидан рўзгор бут, оилам тўқис. Маҳалламизнинг ярмидан кўпи шу иш билан машғул. 10 дан ортиқ шогирд тайёрладим.

Охириги 2 йилда биргина ушбу маҳалланинг ўзида қўйчилик билан шуғулланадиган 51 йирик тадбиркор пайдо бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Баҳром Тожихаёмовнинг айтишича, 511 хонадоннинг қай бирига кирсангиз, албатта, камида 4-5 бош қўй парваришланаётганига гувоҳ бўласиз. Уларга кредит бериш ва тажрибали тадбиркорларга бириктириш орқали ушбу йўналиш оммалаштирилган. Шу боис, ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Аҳолининг яшаш шароити ҳам шунга яраша яхшиланиб бормоқда.

Ҳоким ёрдамчиси одамларнинг турмуш шароити сезиларли даражада ўзгариб, яхшиланиб бораётганига қўллаб-мисоллар келтирди. Эшитиб, маҳалладаги аҳилик,

уюшқоқликка ҳавас қилдик. Масалан, кузда Тошлоқнинг 3,2 километрлик ички йўли тўлиқ асфальтланди. Эътиборлиси, бу иш давлат томонидан эмас, айнан маҳалла аҳлининг ўзаро бирдамлиги, шахсий маблағи асосида бажарилган.

— Маҳалла йўлига асфальт ётқизиш билан боғлиқ ишлар учун ҳомийлик маблағи шакллантиришга тадбиркорлар биринчилардан бўлиб ҳисса қўшди, — дейди меҳнат фахрийси Ғуломжон Худойбергенов. — Қўйчилик билан шуғулланаётганларнинг ҳар бири 50-60 миллион сўмдан ёрдам қилди. Ўзига тўқ қўллаб хонадонлар улар сафига қўшилди. Кексалар дуода. Айниқса, иккита мактабга равоан йўлдан юриб ўқишга қатнаётган фарзандларимизнинг қувонганини айтмайсизми!

“

“Камбағалликдан фаровонлик сари” тамойилнинг асосий мақсади шу-да: одамлар банд бўлса, яхши даромад топса, шунга яраша яшайди ва ҳудудини ҳам обод қилади. Хўш, олдида аниқ мақсад қўйиб, иш бошлашни ниёт қилган кишида маблағ бўлмаса-чи? Бундайлар камми?!

Яна рақамларга юзланамиз. Наманган вилоятида 2020-2024 йилларда тижорат банклари томонидан 538,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига 30,1 триллион сўмлик кредит ажратилди. Бунда энг асосий эътибор оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, драйвер соҳаларни оммалаштиришга қаратилган. Янги йилда эса бу каби молиявий қўллаб-қувватлов ҳажми янада ошади.

— Бу жараёнда шароит ва имконият эътиборга олиниб, аҳолини қизиқтириш орқали тадбиркорлар сафини кенгайтириш мақсад қилинган, — дейди Марказий банкнинг Наманган вилояти бош бошқармаси бошлиғи Бекзод Сулаймонов. — Масалан, Норин туманидаги 116 та мелiorативлик қудуқдан 34 тасида дала етиштириш



лоиҳаси бошланди. Янги йилда яна 82 тасида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳа қилиш режалаштириляпти. Хусусан, 3,8 миллион доллар миқдорда инвестиция кiritиш, 450 та янги иш ўрни очиш ва йилга 2,9 минг тонна балиқ етиштириш назарда тутилмоқда. Шу ишларга банк тизими бевосита бош-қош бўлмоқда.

Ҳозир айни ўтган йил сарҳисобидан келиб чиқиб, янги йил учун белгиланган режаларга енг шимарадиган ва катта шижоат билан киришадиган палла. Наманганликлар ҳам ўтган даврдаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиб, 2025 йил учун катта мақсад ва вазифаларни белгилаб олди. Келинг, шу ўринда уларнинг баъзилари билан таништириб ўтайлик.

Энг аввало, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридан Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманигача бўлган 100 километр масофада йўл бўйи инфратузилмаси ташкил қилиш учун “мастер режа” ишлаб чиқилмоқда. Унинг биринчи босқичида умумий қиймати 220 миллион долларлик 300 га яқин лойиҳа амалга оширилиб,


5 мингта янги иш ўрни очилади, маҳаллий бюджетга 550 миллирд сўмдан ортиқ қўшимча тушум бўлади.

Яна бир катта йўналиш “24/7 сервис қўчалари” ташкил этишдир. Уйчи, Наманган, Косонсой, Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон туманларига олиб борувчи йўллар бўйида 285 миллион долларлик инвестиция ҳисобига 1,6 мингта хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил қилинади. Бу орқали 9 мингта янги иш ўрни очиш қўзланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Наманган шаҳрини унга чегарадош 5 та туман билан боғловчи йўллар бўйида “24/7 сервис қўчалари”ни барпо қилишга киришилмоқда.

Энг асосийси, 2025-2026 йилларда қолган 267 та маҳалланинг ҳам драйвер йўналишлари тўлиқ иxtисослаштирилади. Бунинг учун аниқ режалар тузилиб, лойиҳалар тайёрланмоқда. Эътиборли жиҳати, бу лойиҳаларнинг ақсарияти қайта-қайта қўриляпти, етти ўлчаб, бир кесилмоқда. Чунки марра баланд олинган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш учун шароит ҳам, шижоат ҳам етарли.

Долзарб мавзу

Ғиёсжон РАҲИМОВ,
Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти бош
илмий ходими, қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори, профессор



Айни пайтда ҳукуматимиз органик маҳсулотлар етиштириш учун пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонлар унумдорлигини ҳамда гумус миқдорини оширишни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётгани боиси шунда.

Тупроқ унумдорлигини, гумус миқдорини кўпайтириш учун “Биогумус”, “Вермикомпост”, “Хлорелла” органик биоўғитлари ҳамда органик-сидерат экинлар туридан фойдаланиш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар мавжуд. Уларни қўллаш, биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигини оширади, ерни соғломлаштиради, шўрланган, деградацияга учраган майдонларни яна фойдаланишга киритишга хизмат қилади. Тупроқда фойдали, жонли микроорганизмлар кўпайиб, гумус миқдорини оширишга имкон беради. Айниқса, сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари тиббий ва стандарт талабларга мос равишда меъёрида етиштирилади.

Ҳозир мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган унумдорлиги паст, турли даражада шўрланган, деградацияга учраган ерда бажарилиши муҳим бўлган агромелиоратив, агротехник ва агрономик чора-тадбирлардан бири органик ўғитларни тўғри қўллашдир. Айниқса, тавсия қилинган органик ўғитларни кечиктирмай, унумдорлиги паст ерга бериш биринчи галдаги вазифалар сирасига киради. Шу маънода, суғориладиган ерда тупроқ деградациясини камайтириш, ундаги гумус миқдорини, унумдорлигини ошириш, соғломлаштириш орқали ҳосилдорликни кўпайтириб, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш долзарблигича қолмоқда.



БИОГУМУСНИ КЎПАЙТИРИШ қўшимча даромад ва камбағалликдан чиқариш омили

СУВ ВА НАМЛИКНИ САҚЛОВЧИ ФЙДАЛИ БАКТЕРИЯЛАР МАНБАИ

Гумус сувда ўз вазини ушлаб туради. Шунингдек, у сувни сақлаш ҳамда етказиб беришга қаратилган аниқ усуллар. Керак бўлганда ўсимликлар илдизи тупроқдаги гумусдан сув тортади. Тупроқдаги органик моддалар(гумус)нинг 1 фоиз кўпайиши ҳар гектар ерда яна 170 минг литр сув сингиб кетмаслигини аниглади. Бу 1 квадрат метр учун 17 литр қўшимча сув, дегани. Бу ерда гумус икки баробар фойда келтиради. Чунки у қўшимча намлик йўтувчи ва сақлайдиган фойдали бактериялар уйдир. Ҳозирги шароитда бу жуда муҳим.

Гумус қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилнинг озқувчий қўймати яхшилайди. Шунингдек, у минералларни сақлаш ва етказиб бериш учун асосий воситадир. Гумус таркибидagi манфий ва мусбат зарарлар тупроқдаги барча минералларни ўзига жалб қилиб, ушлаб туради. Уларнинг ювилиб кетишига йўл қўймайди.

Тупроқ унумдорлигини оширишда биогумус органик ўғитини қўллаш энг самарали усул. Чунки у экологик, органик ўғит бўлиб, таркибда фойдали минерал моддалар кўпчилиги билан ажралиб туради. Биогумуснинг ўсимликлар ўсиши ва ривожланишига физиологик-биокимёвий жиҳатдан ижобий таъсир қилиши ҳамда самарадорлиги илмий асосланган. Калифорния чувалчангини боқиш асосида биогумус олиш бугун дунё миқёсида маҳаллий органик ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш билан бирга энг юқори даражадаги сифатли ва камҳаражат органик ўғит олиш усулларидан.

Биогумус ишлаб чиқаришнинг кўпайтириб, унумдорлиги паст, гумус миқдори кам, турли даражада шўрланган ерда қўллаб, тупроқ шўрланиши ва шўр ювиш тадбирларини камайтириш, пахта, галла, шолі, маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлигини ошириб, экологик тоза маҳсулот етиштириш мумкин.

Аънаваный усулда етиштирилганларига нисбатан биогумус органик ўғити асосида етиштирилган маҳсулотлар таркибда ми-

нерал кўп бўлади. Бундай озиқ-овқат маҳсулотлари таркибда саломатлик учун зарарли моддалар, жумладан, пестицид, фунгицид ва гербицид кабилар йўқ. Шу билан бирга, аънаваный етиштирилган маҳсулотларга қараганда анча мазали. Бундай маҳсулотларни узокроқ сақлаш мумкин.

Бу усул органик деҳқончилик дейилади. Органик деҳқончилик сувдан тежамли фойдаланиш, ўғит ва энергия учун сарфланадиган харажат камлиги, тупроқнинг юқори унумдор қатламини сақлаб қолиш ҳисобига даромадни, соф фойдани ошириш билан тавсифланади. Шунинг учун органик маҳсулотларга талаб тобора ортомоқда.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер ресурсларига турли табиий ва антропоген таъсир кучаймоқда. Натижада экинлар ривожланишдан, сифатли ва юқори ҳосил етиштиришдан ортада қолмоқда. Тупроқда гумус миқдори белгиланган меъёрдан муттасил камайиши оқибатида унумдорлик ва ҳосилдорлик пасайиб, сув тақчиллиги кучайиб бормоқда. Чунки гумус миқдори кам бўлган носоғлом тупроқда сув ушлаб туриш ва намликни сақлаш қийинлашади. Экинларга берилаётган азот, фосфор, калий каби кимёвий ўғитларнинг асосий қисми ювилиб кетиши, тупроқ шўрланиши ва деградацияси тобора фаоллашади. Бундай ҳолатда дунёда,

жумладан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишда глобал муаммо пайдо бўлади. Дарҳол олди олинмаса, ҳеч бир минтақа эки давлат ўзини мазкур муаммодан тўлиқ ҳимояланган дея олмайди.

Шу боис, жажон миқёсида маҳаллий органик ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш билан бирга энг юқори сифатли ва камҳаражат органик ўғит олиш усулларидан бири — **Калифорния чувалчангини боқиш асосида биогумус** олишга катта эътибор қаратишмоқда.

Соғлом тупроқнинг бир граммида 3-3,3 миллиард фойдали микроорганизм бўлади. Шунга кўра, ҳар гектар ерда 6-9 миллион дона ёмғир чувалчанги бўлиши лозим. Лекин ерга кўп миқдорда кимёвий ўғит, захарли химикат солиниши натижасида тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳамда ёмғир чувалчанги 70-90 фоиз камайиб кетади. Натижада ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати талаб даражасида бўлмайди.

Биогумус экологик тоза, табиий органик ўғит. У тупроқ унумдорлиги, гумус миқдорини оширади. Шўрланишни камайтириб, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилайди. Ўсимликнинг тез ўсиб ривожланиши, ҳосилнинг 15-20 кун эрта пишишини таъминлайди. Тупроқни токсикологик жиҳатдан яхшилаб, зарарли микроорганизмлар (замбурут, илдиз чиқариш каби) ва касалликлардан тазалайди. Етиштирилган барча турдаги маҳсулотлар стандарт талаб даражасида, экологик тоза бўлади. Қолаверса, узок сақлаш ва бозорларда қиммат нархда сотиш мумкин.

Тупроқдаги чувалчанглар ернинг таркибини яхшилайди, говаклигини оширади

Жажон миқёсида маҳаллий органик ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш билан бирга энг юқори сифатли ва камҳаражат органик ўғит олиш усулларидан бири — КАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГИНИ БОҚИШ АСОСИДА БИОГУМУС ОЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

ва юмшатади. Бундан ташқари, тупроқдаги чириқчиларни қайта ишлайди. Яъни сув ўсимликлари, замбурут, ҳар хил бактерия ва бошқа оддий организмлар, нематода номли чувалчангсимонларни истеъмол қилади. Биогумус ишлаб чиқаради.

Биогумус таркибидан микрофлора кўп миқдорда ҳар хил фермент, аминокислота, витамин ва бошқа биологик фаол моддаларни ажратиб чиқаради. Буларнинг ҳаммаси ўсимлик дунёси учун қимматбахо озуқа манбаидир.



Биогумус экологик тоза органик ўғит бўлиб, тупроқнинг унумдорлигини оширади. Тупроқ таркибини дондорлик ва экологик жиҳатдан яхшилайдиган, қишлоқ хўжалиги экинларини ривожлантириш, ҳосилдорлигини оширишда бебаҳо органик озуқа. Биогумус — ёмғир чувалчангларнинг ҳаётини фаоллаштириш натижасида ҳосил бўладиган органик ўғит.

Биогумус етиштиришда кейинги йилларда юртимизда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент

вилоятларида ёмғир чувалчанги вакили — **Калифорния қизил чувалчанги** яхши натижа бермоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети олимлари ҳамда қатор илмий-тадқиқот институтлари томонидан ҳам маҳаллий чувалчанглардан фойдаланган ҳолда биогумус тайёрлаш усуллари яратилган.

Тупроқдаги чувалчанглар органик моддаларни қайта ишлаб, ўсимликлар осон “ҳазм” қиладиган ҳолатга келтиради. Ернинг говаклигини оширади, тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилайди.



ХОНАДОНЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН БИОГУМУСДАН ОЛИНАЁТГАН ФЙДА

Калифорния қизил чувалчангини боқишда, аввало, асосий мақсадни аниқлаштириб олиш керак. Мақсад она чувалчанг етказиб бериши ёки биогумус ва биомасса ишлаб чиқариши? Шундан келиб чиқиб, уялар сони ва улар жойлаштирилган майдон аниқланади. Керакли уялар сони ва улардаги чувалчангнинг тахминий миқдорини билган ҳолда, керакли озуқа ҳажминини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Озуқа манбалари, шунингдек, сув таъминоти белгилаб олинади.

Хонободлик Рустам Усмонов селекция усулида Калифорния қизил чувалчангининг маҳаллий чиқинди билан озиқланидиган турларини ҳам кўпайтириб, хонадонларда биогумус етиштиряпти. Бу органик ўғитни қишлоқ хўжалигидаги барча экинларда қўллашни йўлга қўйган.

Унинг методикаси бўйича битта уя 1 квадрат метрдан иборат бўлиб, устида 40-60 сантиметр қалинликдаги органик модда 70-75 кунда ҳосил бўлади. Уяга жойлаштирилган чувалчанглар сони 5-10 мингта ораллида бўлиши тавсия қилинади. Вояга етган чувалчанглар туҳуми билан битта битта уяга йилгига 5-6 центнер органик модда талаб қилинади. Шунинг 60 фоизи чувалчанглар учун сарфланади, 40 фоизи биогумус бўлиб ажралиб чиқади. Ҳар бир уядан йилгига 2-3 центнер биогумус ва 50 килограммга яқин чувалчанг биомассаси олиш мумкин. Бозор нархида 50 килограмм биомасса ўртача 2500 долларга баҳоланади. Энг муҳим жиҳатлардан яна бири чувалчанг боқиш уяларидир. Яъни биореакторини қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерда жойлаштирса ҳам бўлади.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2022 йил 2 июнь сонида Қўнғирот туманида “Эко аср бирласу” корпорациясини ташкил қилган Байрамбой Давлатов 70 дан ортқ эҳтиёжманд хонадонга Калифорния қизил чувалчангини тарқатиб, биогумус

ёмғир чувалчанглари, Калифорния қизил чувалчанги ва уларнинг маҳаллий тури органик чиқиндилар (чиринди, гўнг, сабзавот ва мева қолдиғи, тўкилган барг, қоғоз ва ҳоказо)ни истеъмол қилиб, ичқадан ўтказиш жараёнида биологик фаол моддалар билан бойитади. Натижада чувалчанг чиқиндиси — капролит пайдо бўлади. Биогумус самарадорлиги бўйича ҳар қандай органик ўғитдан 15-20 марта афзал. Калифорния қизил чувалчанги одатдаги тупроқ чувалчангидан тез кўпайиши, серпүштлиги ва узок яшаши билан фарқланади. Калифорния қизил чувалчанги учун чиринди, гўнг, органик қолдиқлар озуқа вазифасини бажаради. Чувалчанг ҳаёт кечирадиган жой юмшоқ, говак, нисбий намлиги 70 фоиз, муҳит нейтрал ёки кучсиз ишқорий, ҳарорати 22-24°С бўлиши энг муътадил шароитдир. Чувалчангларнинг яшаш шароити ўзгасра, камайиб кетади. Калифорния чувалчанги балоғатга етгунча 2-3 ой муддат керак.

Калифорния қизил чувалчангининг ўртача вазни 0,5 грамм бўлиб, бир кеча-кундуз танасида ўз вазнига тенг чиринди ёки гўнгни ўтказиб, биогумусга айлантиради. Бир метр квадратда 50 дона (1 гектарда 500 минг) бор, десак, бир кеча-кундузда 1 гектарда чувалчанг ичидан 250 килограмм субстрат (биогумус) ўтади. Чувалчангнинг фаолияти бир йилда 200 кун давом этишини ҳисобга олсак, унинг ичаги орқали ўтиб, қайта ишланадиган субстрат 50 тоннага етади. Бундан кўриниб турибдики, чувалчанг ернинг сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Маҳаллий ёмғир чувалчанглари, жумладан, Калифорния қизил чувалчанги таги текис, бетонланган, эни 1-3 метр, узунлиги 6 метр (шароитга қараб, ундан ҳам узун бўлиши мумкин) баландлиги 0,6-0,7 метр бўлган ғарамларда кўпайтирилади.

Калифорния қизил чувалчангини қават-қават ёғочдан ясалган охуруларда, пластмасса ёки катта ёғоч қутиларда ҳамда заранг ерда эни 1-3 метр, узунлиги 10-15 метр баландлиги 0,5-0,7 метр бўлган ғарамларда ҳам етиштириш мумкин. Чорва фермаларидан олинган гўнг, қаттиқ органик қолдиқлар чувалчангга озуқа бўлиши учун бир оз чириши лозим.

Айтишларича, 2 квадрат метр жойдаги чувалчангларни 5-6 ойда 10-15 квадрат метрча кўпайтириш мумкин. “Эко аср бирласу” корпорацияси фуқаролардан бир квадрат жойдаги чувалчангни 1,5 миллион сўмдан, тайёр бўлган 1 килограмм биогумусни 2 минг сўмдан сотиб олади. Ҳисоб-китобларга кўра, бу орқали бир хонадон ҳар ойда ўртача 4 миллион сўм даромад топади.



органик ўғитини етиштиришни йўлга қўйгани ҳақида мақола чоп этилган эди. Бу — катта ташаббус. Чунки Қорақалпоғистон ерининг катта қисми Орол фожияси туфайли қаттиқ шўрланган. Уни унумдор қилиш учун бундай ташаббуслар жуда зарур. Қолаверса, бу орқали кўплаб оилалар ишли, даромадли бўлиши мумкин.

“Чувалчангнинг энг сеvimли озуқаси — гўнг. Қишлоқ шароитида уни топиш муаммо эмас. Шунингдек, бу ишда бино ёки катта дастгоҳ, қиммат ускуналарга зарурат йўқ. Ишни уй шароитида бемалол бошлаш мумкин. Чувалчанг боқини қайси кун ва қайси ойда бошлаш ҳам деярли аҳамиятсиз. Энг қулай вақт — баҳор, куз ва ёз фасли.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Тараққиёт одимлари

САЙЁҲЛИК РИВОЖИ БЎЙИЧА ЭНГ ФАОЛ МАМЛАКАТ

Ўзбекистон қисқа муддатда бу мақомга қандай эришди?



Умид ШОДИЕВ,
Туризм қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йили 20 декабрда Президентимиз раислигида тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор шаклидаги йиғилишда туризм йўналишида қилинган ишлар ҳақида ҳам гап борди. Қайд этилганидек, ўтган йили тадбиркорларнинг 6,5 триллион сўм сармояси билан 24 минг ўринли меҳмонхоналар ишга туширилди. Жорий йилда бу ишлар янада кенгайиб, меҳмон ўринлари яна 30 мингтага ошиши, тадбиркорлар бунга 10 триллион сўм инвестиция киритишга тайёрлиги, ўтган йили ишга тушган 17 та йирик савдо ва сайёҳлик масканига яна 25 та шундай мажмуа қўшилиши қайд этилди.

Хизматлар экспорти 3 миллиард долларга етди

Мамлакатимиздаги мана шундай кенг қамровли тадбирлар натижасида турли давлатлар билан ўзаро алоқалар янада ривожланиши баробарида сайёҳлик тармоғида ҳам ўсишга эришилмоқда. Хусусан, 2024 йилнинг 11 ойи давомида юртимизга 9,4 миллиондан зиёд сайёҳ келган. Ваҳоланки, 2016 йилда бу рақам 1,3 миллион, 2022 йилда эса 5,2 миллионни ташкил этган.

Сайёҳларга кўрсатилган туризм хизматлари экспорти эса 3 миллиард долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар ўсди. Европа, узоқ ҳамда қўшни давлатлардан келувчи сайёҳларнинг ўртача харажати 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар ортди.

Давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантиришга оид топшириқларини ўз вақтида ижро этиш борасидаги ишлар натижасида хорижий давлатлардан сайёҳлик оқимини сезиларли оширишга эришилди. Жумладан, Европа ва узоқ давлатдан келувчилар 5,3 фоиздан 9 фоизга ошди.

Қўшни давлатлар ва МДХ мамлакатларидан сайёҳлар сони 2022 йилга нисбатан 1,3 баробар, узоқ хориждан келувчилар 2,5 баробар кўпайди. Хитойдан 13, Италиядан 4,3, Ҳиндистондан 3,8, Германиядан 2,1, Туркиядан 1,4 ва Жанубий Кореядан 2 баробар кўп сайёҳ келди. Индонезиядан зиёрат туризми мақсадида келган сайёҳлар сони 14,6 ва Малайзиядан келувчилар сони 6,1 баробар кўпайди.

Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 762 та янги туристик ташкилот ва турагент фаолияти йўлга қўйилиши натижасида улар сони 3581 га етди. Мамлакат бўйлаб 3200 гид-экскурсовод фаолият юритмоқда. Ўтган йилнинг ўзига 700 гид-экскурсовод тайёрланди.

Туроператорларни экспортдоли қўллаб-қувватлаш мақсадида айланма маблағ учун жами 50 миллион долларлик кредит 10 йил муддатга, 2 йил имтиёзли давр билан ажратиш йўлга қўйилди.

Самарали тарғибот соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили

Ўзбекистон сайёҳлик брендини халқаро миқёсда фаол тарғиб қилмоқда. 2024 йилда етакчи 16 мамлакатда бўлиб ўтган 18 та халқаро ярмаркада миллий туризм тенди билан иштирок этдик. 12 та давлат (Хитой, Эрон, Тожикистон, Буюк Британия, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Кувайт, Беларусь, Венгрия, Жанубий Корея, Россия)да “Road show”, маданий ва тақдирот тадбирлари ўтказилди. Япония, Германия, Хитой ва АҚШда Ўзбекистоннинг туризм бренди эличи ва вакиллари тайинланди.

Ўтган йил 25-26 апрель кунлари “Шаҳрисабз — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туризм пойтахти” халқаро форуми ва “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” шиори остида 31 май-2 июнь кунлари Хива шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирлари XII йиғилиши юқори савияда ўтказилди.

Юртимизда илк маротаба барча ҳудудларда ички туризм ярмаркалари ташкил этилди. Ушбу ярмаркаларга ички туризм йўналишидаги 1700 га яқин тадбиркорлик субъекти, 18 мингдан ортиқ иштирокчи келди. Ярмарка доирасида ички саёҳатларни ташкил этиш билан боғлиқ қиймати 20 миллиард сўмга яқин 1300 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзоланди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“Ўзбекистон” бренди дунё нигоҳида

Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига асосан, Ўзбекистон сайёҳлик хизматларидан тушган тушум (экспорт) бўйича дунё бўйлаб “иккинчи энг яхши йўналиш” сифатида кўрсатилди. Тушумлар 2019 йилга нисбатан икки баробардан кўпроқ (133 фоиз) ошган. Ўзбекистон сайёҳлик экспорти ошиши бўйича Европа destinasiцлари ўртасида энг яхши кўрсаткичга эришди.

Жаҳон иқтисодий форуми эълон қилган “Саёҳат ва туризми ривожлантириш

муҳим омили бўлмоқда. Бу хайрли ишларни изчил давом эттириш доимий эътиборда.

Шу мақсадда ўтган йилда қўмитамиз томонидан ишлаб чиқилган 18 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ўрнатилган тартибда тасдиқланди. Натижада сайёҳлар учун яратилган қатор асосий имконият ва қулайликлар қўлама кенгайди.

Виза. Ўзбекистонда туристлар учун визасиз режим жорий этилган. 90 дан ортиқ давлат фуқаролари учун 30 кунгача визасиз кириш имконияти мавжуд. Шунингдек, электрон виза тизими жорий қилинган, бу эса сайёҳларнинг виза олишини осонлаштирди.

Транспорт. Мамлакатимизда ички транспорт инфратузилмаси ҳам тез ривожланмоқда. Сайёҳлар учун авиарейслар, темир йўл ҳамда автобус хизмати яхшиланган. Бундан ташқари, такси ва қаршери хизматлари ҳам мавжуд. Бу эса сайёҳлар учун ҳаракатланишнинг анча қулайлаштиради.

Инфратузилма. Юртимизда туризми ривожлантириш учун қўпалак замонавий меҳмонхоналар, курортлар ва сайёҳлик марказлари очилди. Меҳмонхоналар замонавий хизматлар, спорт заллари, рестороанлар ва сув ҳавзалари билан таъминланган. Бундан ташқари, халқимизнинг меҳмондўстлиги ҳам сайёҳларнинг қизиқиши ва иштилоини оширадиган муҳим мезонлардан бири бўлмоқда.

Йўналишлар. Ўзбекистон тарихий ва маданий йўналишларга бой. Шу билан бирга, табиат манзаралари ва ўзига хос археологик ёдгорликларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлардаги обидалар, маданий тадбирлар сайёҳлар учун жозибали асосий йўналишлардир.

Ишлаб чиқариш ва савдо. Сайёҳлар учун сувенир ва маҳаллий маҳсулотларни сотиб олиш имконияти ҳам кенг. Ҳудудларда турли марка ва сувенир дўконлари очилган, шунингдек, маҳаллий қўлчилар ва анъанавий ҳунармандлик маҳсулотлари кенг тарқалган.

Таълим ва экскурсия хизматлари. Юртимизда экскурсия хизмати яхши йўлга

қўйилган. Сайёҳларга профессионал гидлар хизмат кўрсатмоқда, экскурсия ва турлар ташкил этмоқда. Улар тарихий ёдгорликлар, маданий тадбирлар ва табиатни тадқиқ қилишда ёрдам беради.

Рақамли хизматлар. Туризмни ривожлантириш учун рақамли хизматлар жорий этилган. Масалан, мобил иловалар ва туризмга оид онлайн платформалар орқали сайёҳлар ўз сафари ҳақида маълумот олиш, тур ва хизматларни банд қилиш имконига эга.

Шу тариқа сайёҳларга қулайликлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг сайёҳлик секторига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Инфратузилма кенгаймоқда

Туризм йўналишида 2024 йилда амалга оширилган янги лойиҳаларга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Тошкент шаҳрида Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компаниясининг “Tashkent City Mall” бренди остида бизнес маркази, замонавий меҳмонхона ва турар жой ҳамда савдо маркази қурилди. 60 ўринли “Azhallstroy” замонавий меҳмонхонаси ҳамда Туркиянинг “Calik Energy” компаниясининг 267 ўринли “Intercontinental” бренди остида 5 юлдузли замонавий меҳмонхона ва бизнес маркази мажмуаси, 24 ўринли “Stay INN” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида 220 ўринли “Beshyog’och” замонавий меҳмонхона мажмуаси, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 50 та модуллиқ капсула ҳамда 8 та турар жой мажмуаси ва 128 ўринли 16 та шале қурилди. Жиззах туманида 250 ўринли “Zomin Suffa Resort” меҳмонхонаси, Хива шаҳрида 534 ўринли “Arda Khiva” меҳмонхонаси ва сайёҳлик мажмуаси ҳамда Хива туманида 80 ўринли

“ProAgro” экотуризм ва глемпинг фаолияти йўлга қўйилди. Навоий шаҳрида 100 ўринли “Zarafshon grand hotel” меҳмонхона мажмуаси, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 74 ўринли “Termiz plaza” меҳмонхонаси ишга туширилди.

Бундан ташқари, ҳудудларда туризм қишлоқлари ташкил қилинди. Бу йил эса олтинга туризм қишлоғи ҳамда туризм маҳаллаларини ташкил этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар давом эттириляпти. Салоҳиятли қишлоқларга “туризм қишлоғи”, “туризм маҳалласи” мақоми берилди.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани Тарас Шевченко ҳамда Янгиҳаёт тумани Меҳригит кўчаларида “Гастрономик ва туризм кўчалари” ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Қолган туманларда ҳам бу борадаги ишлар жадал давом этапти. Бундай кўчалар очилиши натижасида 605 та хизмат кўрсатиш объектнинг 211 таси 24/7 режимида ишлайди. 153 та янги хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилади, 1378 та янги иш ўрни очилади.

Ҳозир “Гастрономик ва туризм кўчалари” лойиҳаси ижобий самара бериб, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш ва сайёҳлик сектори ривожланишини тезлаштиришга катта ҳисса қўймоқда. Бу турдаги кўчалар фақат гастрономия ва туризмни рағбатлантириб қолмай, атрофдаги инфратузилмани ҳам такомиллаштиради, тадбиркорлар учун қулай шароит яратилади. Ҳар бир кўча ўзига хос миллий ва халқаро таомлар, анъанавий меҳмонхона хизматлари, маданий ва истироҳат масканлари билан таъминланиб, туристлар учун жозибали бўлади.

Шунингдек, янги иш ўринлари ва хизмат кўрсатиш объектиларни ташкил этилиши иқтисодийни диверсификациялаш ва маҳаллий бизнесни қўллаб-қувватлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Янги имкониятлар яратиш, ишсизликни камайтиришга замин ҳозирламоқда.

“Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури самараси

Ўтган йили юртимизда “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури доирасида самарали ишлар бажарилди. Жумладан, Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Германия, Исроилнинг хорижий фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш, мазкур йўналишдаги бошқарув тизими тажрибасини амалиётга жорий этиш юзасидан мамлакатимизда тиббий туризм йўналишида мувофиқлаштирувчи махсус орган ташкил этиш ҳамда халқаро аккредитация ва сифат стандартларини жорий қилишни рағбатлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилиб, тегишли тузилмаларга тақдим этилди.

Айни кунларда бу йўналишдаги ишлар давом эттириляпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ташкилотларининг тиббий туризм билан боғлиқ харажатларини қоплаб беришни белгиланиш низомиларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишбидор қилилмоқда. Мазкур ҳужжат билан тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларининг халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларда ўз хизматлари ҳамда маҳсулотлари билан иштирок этиш харажатлари ҳамда мазкур турдаги муассасаларнинг шифокорлари томонидан хорижий мамлакатларда бепул тиббий диагностика хизматларини ташкил қилиш билан боғлиқ транспорт ва яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби назарда тутилмоқда.

Муҳтасар айтганда, юртимизда туризм индустрияси ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилляпти. Қулай сайёҳлик муҳити шакллантирилгани кўнгилга сәҳат қилишни туккан юртдошларимиз билан бирга она диёримизнинг мафтункур жозибасига маҳлиё бўлиб мамлакатимизга келатган хорижийларга кенг имкониятлар ўзинини очмоқда. Бу сайёҳликни изчил ривожлантиришнинг муҳим омили бўлаётир. Соҳа ривожига эса, аввало, иқтисодий тараққиётга, қолаверса, дунёга тинчлик ва дўстликни кенг тараннум этишга хизмат қилаётир.





2025 йил 10 январь, 6-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Янгича ёндашувлар

ТАБИАТ БИЛАН МУРОСА

Бунинг учун фан-техниканинг сўнгги ютуқларини қўллаш зарур



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бугун ташқи мухитни чиқинди билан ифлословчи кўплаб саноат тармоқлари туфайли бу чиқиндиларни йўқ қилишда муаммолар мавжуд. Ишлаб чиқариш жараёни интенсификацияси фонида экологик муаммолар кучайиши саноат чиқиндиларини бошқариш ёндашувини қайта қўриб чиқишни талаб қилмоқда. Бунинг натижасида келиб чиқаётган техноген, экологик ва аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар долзарблигини ҳар дақиқа ошмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 21 октябрда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида таширифи чоғида келажақда барча соҳалар экология билан ҳамоханг ривожланиши, аини дамда экология худди рақамли технологиялардек долзарблиги, шу боис, университетда экоинновацион, молия каби йўналишлар очилгани, яқин кунларда дуал таълим кенгайтирилиб, ушбу соҳаларда таълим олувчилар билиминини жойларда таътиб қилиши мумкинлигини таъкидлади.

Чиндан ҳам замонавий технологияларнинг жорий қилиниши ҳаётий юмушларимизни енгиллаштириш бораберида экологик муаммоларни бартараф этишда ҳам ёрдам беради. Илм-фан одамлари янги лойиҳалари билан экотизим барқарорлигини сақлашга ҳисса қўшсагина, антропоген манбалар зарарини камайтириш, ҳаво сифатини баҳолаш ва бошқа самарали чоралар қўриш мумкин.

Президентимиз табиат билан мурося келиш учун фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўллаш, экологик экспертизалар,

тажрибалар ўтказиш, жамиятнинг ҳар бир қатламига экомоданият тушунчасини синдириш, тарғиб қилиш шартлигини бот-бот такорлагани “Sanoat Engineering Invests” лойиҳаси асосчиларида шижоат уйғотиб юборган бўлса, ажабмас.

— Саноатда атмосферага ташланаётган чиқинди газ, оқова сув, тупроқ структураси ўзгариши, атмосферага тарқалаётган механик аралашмаларни аниқлаш, суолтирилган газ таркибидаги пропан-бутан, водород сульфиди таркибидаги олтингугурт миқдорини аниқлаш, уларнинг тарқалиш ҳудуди, жамият ва табиатнинг тирик ҳамда нотирик таркибий қисмларга таъсирини ўрганиш, келгуси оқибатларни олдиндан кўра билиш ва келиб чиқадиган оқибатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лойиҳанинг асосий мақсадларидир.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



дан, — дейди “Саноатдаги чиқинди газлар, оқова ва қатлам суви, тупроқ структураси ўзгариши, атмосферага тарқалаётган механик аралашмаларни аниқлаш бўйича “Sanoat Engineering Invests” корхонасини ташкил этиш” лойиҳаси раҳбари Нурхон Тошов. — Атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг ярмидан кўпи углеводород оксиди. Автомобиль шаҳар атмосферида 70 фоизгача углеводород оксиди чиқаради. Машинасозлик заводлари яқинида ва транспорт ҳаракати оқими кучли чорраҳаларда атмосферидаги ушбу таркибий қисм билан ифлосланиш даражаси юқори. Мамлакат бўйича углеводород оксиди чиқиндиларининг 53,8 фоизи ёнилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноатини ўз ичига олган мажмуа улушига тўғри келади.

Ҳозирга қадар ер қаъридан 100 миллиард тоннадан ортиқ кўмир, нефть, торф қабилар қазиб олинган. Уларнинг ёқилиш сифатида ишлатилиши натижасида 3,8 миллиард тонна кул ҳамда чанг атмосферага тарқалган. Шу кул ва чанг билан бирга 1,2 миллиард тонна захарли сурма, 68 миллион тонна рух, 4 миллион тонна кўрғошин, 50 минг тонна никель, 4 минг тонна фтор, 35 миллион тонна фосфор, 15-48 минг тонна симоб, 3 миллион тоннадан ортиқ пестицид, 500 минг тонна полихлорбифенил, 8 минг тонна бензопирен табиатга, яъни ҳаво, тупроқ ва сувга тушган. Бу эса, ўз навбатида, табиатдаги моддалар ҳаракати натижасида деярли барча ҳаёт муҳитида тўплангани ва табиий мувозанатнинг издан чиқишига олиб келади. Ушбу рақамлар балки алла-

қачон эскиргандир, балки ҳозир нисбатан камроқ чиқинди чиқаётгандир, бироқ ҳавфли жиҳати бунда эмас. Кўрқинчли томон мазкур рақамлар борлигида. Бу умумбашарий муаммо. Қайсидир миллат, жамият ёки одамнинг “Менга тааллуқли эмас”, дейишга ҳаққи йўқ. Ўзбекистонда ҳар етти кишига биттадан автомобиль тўғри келади, яъни бугун мамлакатимиз кўчаларида 4 миллиондан зиёд машина ҳаракатлантиляпти. Шундан 70 фоизи сиқилган ҳамда суолтирилган газ таркибида 300 дан ортиқ захарли бирикма бўлиб, бунинг 60 фоизи аэрозол ҳолатида чиқариб ташланиши автотранспортлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу лойиҳа орқали газларнинг сифат даражасини аниқлаб, қўшимча чора-тадбирлар қўриш асосида атмосферага чиқаётган зарарли газларни камайтириш имконига эришишни мақсад қилганмиз. Умуман олганда, лойиҳанинг мақсади кўп ва катта. Жумладан: — Ўзбекистон ҳудудидаги саноат корхоналари ва ташкилотларида атмосфера ифлосланиш даражасини энг замонавий, барча талабларга жавоб берадиган ускуналар ёрдамида аниқлаш ҳамда унинг миқдорини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; — нефть, газ конденсати, табиий газни юқори аниқликда сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш;

— юртимиздаги нефть ва газ корхоналари, уларга ёндош ҳудудлар тупроғидаги нефть маҳсулотлари миқдорини аниқлаш; — ичимлик суви микробиологик текшириш; — атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, табиий муҳитни кузатиш, ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилиш; — тупроқ унумдорлиги, ҳосилдорлиги, физикавий, физик-механик хоссалари, сув-ҳаво, иссиқлик ва озуқа режими ҳамда тупроқда кечадиган микробиологик жараёнлар структурасини ўрганиш.

Мазкур лойиҳа орқали тупроқнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини камайтириш, атмосферани зарарлантирувчи манбалар таъсирини пасайтириш, энергетика соҳасида парник эффектига сабаб бўлувчи манбаларни инвентаризация қилиш каби муаммоларни ҳал этиш мумкин.

— Фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўллаб, ҳаво, сув, тупроқ, углеводород ҳаммаёси таркибинини юқори аниқликда текширашимиз, — дейди лойиҳа раҳбари. — Тупроқ структураси ва сифатини бузадиган хлорли тузлар концентрациясини аниқлаймиз. Аҳоли яшаш жойларидаги чанг ва турли зарарли газ миқдорини ўрганимиз. Инсониятнинг биосферага таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда мувозанатга эришиш, шунингдек, ноқулай атроф-муҳит омилларини тартибга солишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, ишчи ҳудуднинг ҳавоси, сув омборлари, аҳоли пунктлари ҳавоси, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотларида юзлаб кимёвий моддалар учун стандартлар яратиш мумкин.

Бугун лойиҳа бўйича хизмат кўрсатиш тўлиқ йўлга қўйилиб, 40 турга яқин таҳлил ўтказилимоқда. Хусусан, умумлашган илмий-тадқиқот лаборатория маркази яратилиб, йилга 5000 дан ортиқ зарарли ҳолат билан боғлиқ 750 та таҳлил натижаларини амалга ошириш режалаштирилимоқда. Бу эса, ўз навбатида, атроф-муҳитга етказиладиган зарарни баҳолашга имкон берамоқда.

Нурхон Тошовнинг таъкидлашича, қатлам сувларини таҳлил қилиш орқали сувининг pH миқдорини 1-2 бирликка ўзгартириш,

таҳлиллар натижасига асосан атмосферага ташланаётган чиқинди газнинг миқдорини пиролиз конденсати қолдиғи билан тозалаш ҳисобига 2 баробар камайтиришга эришилди. Товар газ таркибидаги водород сульфиди ва меркаптланари хроматограф ёрдамида юқори аниқликда аниқлаш натижасида газни қайта ишлаш корхоналари товар газ таркибида қоладиган водород сульфиди ва меркаптланлар миқдорини мос равишда 5 ва 15 миллиграммга пасайтиришга эришилди.

Юртимизда ичимлик сув сифатида талаб юқори. Шу сабабли ичимлик суви тадқиқ қилиш натижасида сувининг қаттиқлиги, таркибидаги кальций, мағний, сульфат ва хлорид анионлари миқдори аниқланди. Берилган тавсиялар натижасида ичимлик сувининг қаттиқлигини 35-40 фоиз камайтириш бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

— Аҳоли ва саноат зоналарида ҳосил бўлган оқова суви тадқиқ қилиш, таркибидаги органик қолдиқларни сезиларли, хусусан, 25-30 фоиз камайтириш ҳақида ўйлаймиз, — дейди Нурхон Тошов. — Қўтилган натижани ололсақ, тадқиқотимиз оқова сув ташланаётган ҳудуд экоструктурасини яхшилашга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, “Sanoat Engineering Invests” МЧЖ Бухоро давлат университети билан ҳамкорликда табиий газни қайта ишлаш жараёнида фойдаланиладиган цеолитларни таҳлил қилиш учун кичик кўма лаборатория қурилмаси тайёрлаб, корхоналар томонидан сотиб олинганда маҳсулотларнинг паспорти бўйича белгиланган кўрсаткичларга мос келиш-кеلمаслигини ўрганиб, хусусиятларини тўлиқ аниқлаш ҳолда фойдаланиладиган цеолитлар хусусиятини қайта тиклаш бўйича илмий ишлар қилиняпти.

Мана шундай инновацион лойиҳалар, илмий тадқиқотлар инсон ҳаёти учун зарур экологик ҳавфсиз муҳитни таъминлаш, табиий муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан ўта самарадорлик билан оқилана фойдаланиш, пировард натижада табиат билан жамият ўртасидаги узвий муносабатларини илмий асосда уйғунлаштиришда кўприк вазифасини ўтайди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Ў даражали сержант Жасурбек Исмоилов ҳаёт йўлини ҳарбий хизматга боғлаганига чорак асрдан ошди. Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққулбод қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган ўғлон ўқувчилик чоғидаёқ ҳарбий аскар бўлиш, Ватан сарҳадларини ҳимоялашни мақсад қилганди. Бироқ фақат орзу-ҳавас билан шарафли ва машаққатли касб эгаси бўлиш қийин.

Ҳарбийларга хос ҳаёт кечирини, мавжуд тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтиш учун, аввало, билим ва дунёқараш, жисмоний етуклик муҳим ҳисобланади. Шу боис, 25-умумтаълим мактабидан таъсил этилган белбоғли кураш тўғаригининг фаол аъзосига айланган, ҳар жиҳатдан чиникди.

Дастлаб мактаб, туман ва вилоят миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида голиб бўлди. Кичик ютуқлар ўсирининг ўзига бўлган ишончини оширди, фикр-мулоҳаза, дунёқарашини кенгайтирди.

Умумтаълим мактабини тамомлагач, биринчилардан бўлиб ҳарбий хизматга бориш ташаббуси билан чиқди. Армияда бир ярим йил хизмат қилди. Шу қисқа фурсат оддий аскар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. У ҳарбий бўлишдек шарафли касб эгаси сифатида хизматни давом эттиришга қарор қилди.

— Ҳарбий соҳада хизмат қилиб қолиш борасида билдирган фикрларимга аввалгига ота-онам бир оз рўйхушлик бермаган, — дея хотирлайди сержант. — “Хизмат қилиб бўлдинг, ёнимизга кириб, далада деҳқончилик қилсанг ҳам кунинг ўтади”, дейишган. Аммо мақсадим қатъий эканини билгач, оқ йўл тўлаб дуо қилишган, шунга ҳам 26 йил бўлибди.



Ҳарбий хизматда бўлиш бир қараганда оддий ишдек кўринади. Аммо бу шарафли номга муносиблик ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Белгиланган синов жараёнларини босиб ўтишнинг машаққати осон кечмади, албатта. Айниқса, жисмоний тайёргарлик бўйича белгиланган нормаларни бажариш

учун анчагина куч, сабр-бардош талаб этилади. Ҳарбий хизматчи бўлиш орзусидаги тенгдошлари сафи анчагина эди. Синов жараёнлари охирида фақат мард ва жасур йигитларгина сараланиб қолди. Кўпчилиги ярим йўлдаёқ ортга қайтди.

Барча синовларини муваффақиятли босиб ўтган Жасурбек ўзига билдирилган ишончини ҳар жиҳатдан оқлаш, жонажон юртимизнинг чинакам аскари бўлиш, Ватанга содиқ хизмат қилишга аҳд қилди. Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида иш бошлади. Ўз касбининг мукаммал эгаси сифатида юртта хизмат қилишга киришаркан, ҳеч қачон ортга чекинмасликка, умрини ҳарбийлик касбига бахшида этишга бел боғлади, қасамд қилди, фаол сержантлар қаторидан жой олди. Жонқуярлиги, ўз ишига масъулиятлилиги билан кўпчиликка ибрат бўлди. У қаерда, қандай вазифада ишламасин, тажрибали мутахассис сифатида сафдошлари орасида обрў-эътибор қозонди.

Ҳарбийларда шундай гап бор: машғулота қанчалик қийин бўлса, жангда осон бўлади. Бу гап замирида ватанпарварлик, изланиш ва интилиш, билим ва тафаккур уйғунлиги мужассам эканини англаб олиш қийин эмас.

Йиллар силсиласида тобланган ёш сержант ҳар жиҳатдан чиникди, ўз устида ишлаш, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш, замонавий қурол-аслаҳалардан ўринли фойдаланиш борасида билим ва кўникмаларини ошириб борди, тажриба тўплади. Бу йўлда бир қатор муваффақиятларга эришди.



Ў даражали сержант Жасурбек Исмоилов “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларига 30 йил” эсдалик нишони билан тақдирланди. У аини пайтда Фарғона шаҳрида ўз хизмат вазифасини шараф билан ўтаб келмоқда.

— Она юрт тинчлиги йўлида хизмат қилишдан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди сержант Жасурбек гурур билан. — Ўтган йиллар давомида босиб ўтган ҳаёт йўлимдан асло афсусланмайман. Аксинча, Ватанга хизмат қилишга қодир ва муносиб бўлганим билан фахрланаман. Миллий армиямиз минглаб йигитларимиз учун чинакам мардлик,

фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айланган. Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга бир қатор имтиёзлар берилимоқда. Яқинда оила аъзоларим билан уч хонали замонавий уй-жойга кўчиб ўтдик. Ўғлим Жўрабек имтиёз асосида Фарғона политехника институтини талабаси бўлди. У ҳам келгусида ҳарбий соҳада хизмат қилишни қўлаб, аёло

баҳоаларга ўқимоқда. Бу ҳар қандай ота-онада фахр-ифтихор уйғотади. Ҳар тонг ишга ошиқайётганимда оила аъзоларим юзидаги табассум, гурур ва ишонч туйғуларидан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдек кўтарилди, тунга қадар толиқиб нимагинини билмайман.

Бир ўғил ва қизни воёга етказётган Исмоиловлар оиласига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Тинч-тотув, ибратли оила, нафақат ҳарбий хизматда, балки маҳалла ҳаёт тарзи билан боғлиқ кўплаб юмушларда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Ҳарбий хизматчи билан яшаш бир қараганда фахр, ишонч туйғусини оширади, — дейди оила бекаси Дилноза Исмоилова. — Аммо унинг ўзига яраша қийинчилик ва машаққатлари бор. У юрт ўғлини, Ватан қаерга юборса, ўша ерга бориб хизмат қилишни шарт. Жойдан жойга кўчиб юрган кунларимиз кўп бўлган. Бу ҳарбий хизматчилар оиласи учун оддий ҳолат, аслида. Лекин меҳнат ва изланиш, юрт тинчлиги йўлидаги содиқ хизмат эътибордан четда қолмас экан. Бизга доимий яшаш учун янги уй беришди. Шаҳар марказида, мактаб, боғча, тиббиёт пунктига яқин ҳудудда жойлашгани аини муддао. Кўпчилик бизга ҳавас қилади. Отаналар ўз фарзандларини армияга қўзғаб, ёши юрагидан хавотир ва қўрқув билан эмас, балки фарзандим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади деб, ишонч ва гурур билан кузатмоқда. Чунки бу касб шарафли ва муқаддас бурч эканини кўпчилик англаб етди.

Бугун Ў даражали сержант ҳаёт тарзида ўзгача кун. Уни қувонч билан қарши олмақда. Аммо хотиржамликка берилгани йўқ. Ҳарбий хизматчи оила сафда, тунни тонгга улаб бедор ўтказмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 37.
38993 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмохонасида чоп этилди.
Босмохона манлиги: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмохона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккулт Эгамқулов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:50 Топширилди — 23:20

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05